


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 15 ноябрь, № 221 (5388) Сешанба


# КЎЛАМЛИ ВА ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР

## туфайли мамлакатимизда аҳоли саломатлиги муҳофазаси устувор йўналишга айланди

***Эл саломатлиги муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли юртимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси сифат жиҳатидан юксалиб бормоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жаҳон андозаларига мос даволаш-ташхис ускуналари билан жиҳозланган замонавий шифо муассасалари бунёд этилиб, тиббиётнинг ўзига хос миллий модели асосида иш олиб борилаётганлиги бунинг ёрқин ифодасидир.***

**Эътибор**



**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

Шифо масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қолаверса, соҳада малакали мутахассислар фаолият юритишини таъминлаш масаласига юксак эътибор кўрсатилаётгани боис кейинги йилларда одамларнинг ўртача умр кўриши сезиларли даражада узайди, оналар ва болалар ўлими билан боғлиқ нохуш ҳолатлар икки-уч баробарга камайди. Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизими ривожига қаратилаётган беқиёс ғамхўрлик самараси ўлароқ, эришилаётган бундай ижобий кўрсаткичлар халқаро доираларда ҳам алоҳида эътироф этилаётир. Хусусан, Ўзбекистон жаҳондаги энг нуфузли ташкилотлардан бири — “Save the children” (“Болаларни асрайлик”) рейтингида болалар саломатлигини мустаҳкамлашда катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг етакчи ўн мамлакат сафидан жой олганлиги ушбу фикрнинг яққол тасдиғи бўла олади.

Пойтахтимизда тиббиёт ходимлари куни муносабати билан бўлиб ўтган байрам тадбирида шу хусусда сўз борди. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ўтказилган мазкур тантанада олимлар, шифокорлар, халқаро ташкилотлар вакиллари ва тиббиёт йўналишидаги қатор олий ўқув юртларининг талаба ёшлари иштирок этди. Унда таъкидланганидек, сўнгги йилларда қулай шарт-шароит ва имкониятлар билан таъминланган шифо масканлари бунёд этилди. Бугунги кунда ушбу бирламчи тиббий муассасаларда пухта билим ва юқори малакага эга бўлган тажрибали мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, фаол ҳамда изланувчан ходимларни муносиб рағбатлантириш масаласига юксак эътибор қаратилаётганлиги тизимда янгича, илғор услублар жорий қилиниши, ёш мутахассисларнинг касбга муҳаббати ошишида муҳим омил бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлисини чақириш тўғрисида АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлисини 2011 йил 5–6 декабрда Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***АНДИЖОН. “Ўзстандарт” агентлиги томонидан ўтказилган танловда “Idas Elektronics System” Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонасида тайёрланаётган товарлар “Йилнинг энг яхши маҳсулоти” дея эътироф этилганди.***

## «Йилнинг энг яхши маҳсулоти»

Ҳозир бу ерда “GM — O`zbekiston” корхонаси автомобиллари учун “CD MP 3” плеерлари ҳамда электрон соатлар ишлаб чиқарилмоқда. “Idas Elektronics System”нинг 115 кишилик жамоаси бу каби муваффақиятларга корхонани техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, иқтидорли ёш мутахассислар сафини кенгайтириш ҳамда маҳсулот сифатини ошириш туфайли эришмоқда. Яқинда корхонада штамплаш цехи ишга туширилди. Бу мусиқа плеерларининг металл қопламаларини шу ернинг ўзида тайёрлаш имконини берди.

Таъкидлаш керакки, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 111,1 фоизга ўсди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***САМАРҚАНД. Қўшработ туманидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Заркент бахт савдо” масъулияти чекланган жамиятида модернизация тадбирлари амалга оширилгач, бу ерда мебель маҳсулотлари тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди.***

## Модернизация: сифат ва самара

— Ушбу лойиҳани ҳаётга татбиқ этишда ўз маблағимиз ҳамда банкнинг 60 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаландик, — дейди корхона раҳбари Мансур Одилов. — Айни пайтда буюртма асосида қурилиш ташкилотларига эшик ва дераза ромлари ҳамда бежирим мебеллар етказиб бераяпмиз. Маҳсулотларимизнинг сифати ҳамда ташқи кўриниши мижозларга маъқул келаяпти.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ФАРҒОНА. Вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари томонидан шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 661 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.***

## Бежирим қопламалар

Бу вилоятда тайёрланган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 59,2 фоизини ташкил этади.

Риштон туманилик Ҳусанбой Эргашев раҳбарлик қилаётган “Шукрона дизайн Файз” кичик корхонаси ҳам эл-юрт фаровонлигига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Бу ерда банкнинг 12 миллион сўмлик кредити эвазига йўлак қопламалари тайёрлаш йўлга қўйилди. Ҳозир 10 киши меҳнат қилаётган корхонада 20 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Анжуман**

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби айни пайтга қадар истиқлолимизнинг ёритилмаган қирраларини очиб бергани, ноёб манба ва маълумотларни ўзида мужассам этгани туфайли ҳам юртимизда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.***

# НОЁБ ТАРИХИЙ МАНБА

Бухоро вилояти ҳокимлигида мазкур китобнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламлари орасида кенг тарғиб қилишга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари F. Мирзаев, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М. Қуронов, “Маҳалла” жамғармаси Бухоро вилояти бўлими раиси Б. Жумаевнинг мавзуга оид маърузалари тингланди.

Айтиш жоизки, Бухоро вилоятида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган давлат дастурлари моҳиятини ёшлар онгига сингдириш, уларни менталитетимизга ёт ва зарарли ғоялардан асраш борасида муайян тажриба тўпланган. Олимлар, соҳа мутахассислари ҳамда ижодкорларни жамлаган тарғибот тизими бугунги кунда самарали фаолият кўрсатаяпти. Анжуманда бу алоҳида эътирофини топди.

(Давоми 2-бетда).

# ЕВРОПА БИЗНЕСМЕНЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДАН МАНФААТДОР

*Яқинда Нидерландияда бўлиб ўтган “International horti fair — 2011” ярмаркаси дунёдаги энг машҳур ва оммавий халқаро савдо анжуманларидан бири ҳисобланади. Ҳар йили Амстердам шаҳрида ташкиллаштириладиган мазкур анъанавий боғдорчилик ва гул ярмаркасида жаҳоннинг деярли барча мамлакатларидан жуда кўплаб мутахассислар жамланади.*

**Дунё нигоҳи**

“International horti fair”, айниқса, гулчилик билан шуғулланадиган мутахассис ва ҳаваскорлар ўртасида катта шуҳрат қозонган ярмаркадир. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки айнан Нидерландияда кўп миқдорда гул етиштирилиб, жаҳоннинг турли мамлакатларига экспорт қилинади.

Ушбу ўзига хос анжуманда маҳсулот тайёрлашдан тортиб, то уни сотишгача бўлган жараёнлар билан шуғулланувчи дунёдаги аксарият компания ва хусусий ишлаб чиқариш фирмаларининг вакиллари қатнашади. Жорий йилда жаҳоннинг 500 дан ортиқ компаниясини тўплаган мазкур ярмарка экспонатлари 50 минг квадрат метрдан ортиқ саҳнни эгаллади. Ярмаркага 50 минг нафардан зиёд киши ташриф буюрди.

Анжуман давомида кўп сонли меҳмонлар, хусусан, кичик ва ўрта бизнес вакиллари замонавий технология жиҳозларининг етказиб берилиши юзасидан дастлабки шартномаларни имзолашгани баробарида, гулларнинг янги навларини яратиш юзасидан ўзаро фикр алмашиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

“Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатлашган “Aquanox”, “Contronics”, “A&N Luiten BV”, “Lets bv”, “PSC”, “PND” сингари қатор машҳур компаниялар вакиллари ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро алоқалар юзасидан, жумладан, республикамизда боғдорчилик бўйича истиқболли ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида ўз қизиқишларини билдиришар экан, Ўзбекистон компаниялари ҳам ушбу ажойиб ярмарка ишида янада фаол қатнашишига умид билдирдилар.

Иссиқхона тизимларини ишлаб чиқариш ва ўрнатишга ихтисослаштирилган **“Debet Schalke” компанияси (Нидерландия) менежери Вим ван Вееле** ўз компанияси фаолият юритаётганига 20 йилдан ошганини маълум қилар экан, шу пайтга қадар Хитой, Мўғулистон, Озарбайжон каби 35 мамлакатнинг турли компаниялари билан амалий алоқалар ўрнатилганини қайд этди.

Унинг айтишича, ҳозирги пайтда “Debet Schalke” компанияси ўзбекистонлик шериклар билан ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорлик юзасидан амалий алоқалар ўрнатиш ниятида. “Зотан, Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда хориж сармоясини кенг жалб этиш учун энг қулай шарт-шароит яратилгандир”, деди у.

**«Жаҳон» АА.**

**Қишга тайёргарлик — долзарб вазифа**

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш ва бозорларимиз тўкинлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.**

# МАЪМУРЧИЛИК ВА ФАЙЗУ БАРАКА МАНБАИ

Қиш мавсумида бозорларимизда нарх-навони барқарор сақлаш учун асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам ана шу ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Куз фасли якунланаётган бўлса-да, бугун мамлакатимиз бозорларида сархил мева ва полиз маҳсулотларининг мўл-кўллиги кўзни қувонтиради.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январда қабул қилинган “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш, бозорларда мўлкўлчилик ва аҳоли дастурхони тўкинлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,8 фоизга ўсди.

Айни вақтда 2011 — 2012 йил қиш-баҳор мавсуми учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага ғамлаш, уларнинг мўл ва арзон бўлиши, аёзли кунларда ҳам ички бозорда нархларнинг асоссиз ошиб кетишига йўл қўймаслик борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мавсум давомида юртимизда 500 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жамғариш режалаштирилган. Шу мақсадда барча тайёрлов корхоналари, фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва аҳоли билан тегишли тартибда шартномалар тузилган.

(Давоми 2-бетда).

# ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, СЕРЖАНТЛАР!

***Юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлашда ички ишлар ходимларининг билим ва малакасини ошириш, соҳа учун замонавий профессионал кадрлар тайёрлаш алоҳида аҳамиятга эга.***

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курси ҳам юртимиз тинчлиги, фуқароларимиз осойишталигини таъминлашга қодир соҳа ходимларини тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Мазкур курсни битирган юзлаб сержантлар бугунги кунда ички ишлар идораларида жазони ижро этиш, ёнғин хавфсизлиги, йўл-патруль, патруль-пост хизмати, хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, қўриқлаш ва бошқа хизматларда самарали фаолият кўрсатаётир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курси битирувчиларига диплом топшириш маросимида бу алоҳида қайд этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ички ишлар тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

**Бир рақам шарҳи**

# Истеъмол товарлари тобора кўпаймоқда

**Мамлакатимизда 2011 йилнинг тўққиз ойида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 11,4 фоизни ташкил қилди.**

Президентимиз раҳнамолигида юртимизда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва уларнинг турларини кенгайтиришга доир ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Бу каби рағбатлантирувчи чора-тадбирлар мавжуд корхоналарнинг қувватини кескин ошириш баробарида, кўплаб янги объектларни фойдаланишга топшириш имконини бермоқда. Натижада озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ортмоқда. Буни, айниқса, енгил автомобиллар, болалар велосипедлари, пайпоқ буюмлари, доривор воситалар, ўқувчилар дафтарлари, ун, ёрма, маргарин маҳсулотлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишида тижорат банкларининг молиявий кўмаги ҳам катта бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Биргина шу йилнинг ўтган даврида улар томонидан 1194 миллиард сўм миқдоридаги маблағ ушбу мақсадларга йўналтирилди. Бунинг ҳисобига замонавий технологик линиялар, шунингдек, муҳим хом ашё ва материаллар сотиб олинди.

Ҳудудлар саноат салоҳиятини ошириш дастурлари доирасидаги ишлар эса соҳада янги уфқларни очиб берди. Биргина шу йилнинг январь — сентябрь ойларида 740 та лойиҳа, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 399 та, ноозиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш бўйича 341 лойиҳа муваффақиятли амалга оширилгани бунинг ёрқин далилидир.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг йиғилишида мамлакатимизнинг 2012 йилги Давлат бюджети лойиҳаси, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари кўриб чиқилди.***

# ЮРТ РАВНАҚИ ВА ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ – ПИРОВАРД МАҚСАД



Таъкидланганидек, тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар пировард натижада ҳар қандай вазиятда, ҳаттоки дунёнинг кўпчилик давлатларини мураккаб аҳволга солиб қўйган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам юрт равнақи ва эл фаровонлигини изчил ошириб боришга хизмат қилмоқда. 2011 йилда ялпи ички маҳсулот 8,4, саноат маҳсулотлари 9,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6, капитал қўйилмалар ҳажми 7,9 фоизга ўсиши кўзда тутилаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Табиийки, булар келгуси йил бюджет параметрларини ишлаб чиқишнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳисобланади. Шу асосда узоқни кўзлаб пухта ўйланган механизмларни жадал рўёбга чиқаришда давом этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Булар эса, ўз навбатида, Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларга эришишга пухта замин яратади. Яъни мамлакат янгиланади, модернизация қилинади, макроиқтисодий барқарорлик таъминланади. Энг муҳими, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражаси юксалиб боради.

Мажлисда юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, сервис ва хизматлар соҳасини кенгайтириш, энг асосийси, аҳоли бандлиги ҳамда даромадларини ошириш учун зарур шарт-шароитлар, жумладан, корхоналар, кичик бизнес субъектлари ва аҳолига солиқ ҳамда мажбурий тўловлар бўйича қатор имтиёзлар яратиб берилаётгани айтиб ўтилди. Унда 2012 йил учун солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклиф қилинаётган чора-тадбирларнинг амалиётга татбиқ этилиши бу борадаги самарадорликни юксалтиришга хизмат қилиши, янги социал-иқтисодий марраларни забт этишда ҳал қилувчи роль ўйнаши айтиб ўтилди.

Хусусан, 2012 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада жадал тараққий топтириш мақсадида ягона солиқ тўловининг базавий ставкасини 6 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш назарда тутилмоқда. Бу чора-тадбирлар натижасида 50 миллиард сўмдан ортиқ маблағ микрофирма ва кичик корхоналар ихтиёрида қолади. Ушбу маблағлар эса ишлаб чиқариш салоҳиятини янада кўпайтириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш самараларини ошириш, ишчи-ходимларни қўшимча рағбатлантириш имконини беради.

Йиғилишда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг минимал ставкаси бўйича солиқ солиш шкаласининг энг кам миқдорини бир фоизга камайтириш кўзда тутилаётгани маълум қилинди. 2012 йилга мўлжалланган солиқ сиёсати концепциясида белгиланган ислоҳотларнинг амалга оширилиши, ўз навбатида, иқтисодиётдаги солиқ юкини янада озайтиришга хизмат қилади.

Қўмита аъзолари солиқ-бюджет сиёсати концепцияси ҳамда Давлат бюджети лойиҳасида республикамизни барқарор иқтисодий ўстиришнинг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилаётганини эътироф этишди.

Тадбирда бюджет сиёсати концепциясида ижтимоий соҳаларга эътиборни янада кучайтириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашга катта урғу берилгани таъкидланди. Буларнинг барчаси қабул қилинган ижтимоий дастурларнинг амалиёти, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшилашга пойдевор бўлади. Хусусан, бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорларини ошириш орқали аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш давом эттирилади.

Мажлисда келгуси йилда Давлат бюджетидан таълим тизими ва соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган маблағлар миқдори янада оширилиши айтиб ўтилди. Бу эса ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини янада чуқур қарор топтиришга қаратилган дастурларда назарда тутилган тадбирларни молиялаштиришни тўла таъминлаш имкониятини беради.

Йиғилишда кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

***Бугунги кунда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида инновациялар, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг ва унумли фойдаланиш кўзланган мақсадларга жадал эришиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишда долзарб аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда бу борада кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳаётга татбиқ қилинаётгани ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларини янада юксалтиришда катта роль ўйнамоқда.***

# АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

## йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилидир

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталари ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш истиқболларига бағишланди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, мутахассислар қатнашди.

Маълумки, юртимиз барқарор ривожланиши баробарида аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалиб, харид қобилияти изчил ўсиб бормоқда. Буни шаҳар, туман ва олис қишлоқларимиз кўчаларини ўзимизда ишлаб чиқарилган автомобиллар тўлдириб турганида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ўтган йили ҳар 100 та оилага ўртача 27 тадан ортиқ енгил автомашина тўғри келгани ҳам бунинг яққол исботидир.

Айни чоғда транспорт-коммуникация тармоқлари жадал кенгайиб, кенг ва равон йўллар, кўприклар бунёд этилмоқда. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза этиш, фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, мол-мулкини ҳимоя қилиш ишларини янада такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг учун тегишли ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилди. Айни пайтда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар ҳайдовчилари, пиёдалар ҳамда болалар ўртасида профилактик тадбирларни олиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини, йўлларнинг аҳволини яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ўтказиш анъанаси йўлга қўйилган.

Тадбирда сўнгги йилларда соҳага қатор янгиликлар жорий қилингани, чунончи, тегишли ҳуқуқий механизмлар такомиллаштирилгани, автомобиль йўлларида хавфсизликни янада кучайтиришни таъминловчи ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва уни истиқболда кенгайтириш юзасидан бир қатор ишлар олиб борилгани, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасида республика миқёсида қайд этилаётган йўл транспорт ҳодисаларининг марказлаштирилган электрон базаси ишлаб тургани айтиб ўтилди.

Давра суҳбатида, шунингдек, тизимда рўйхатга олинган барча автотранспорт воситалари бўйича ягона электрон маълумотлар базаси яратилгани ҳақида маълумот берилди. Бу эса ўзаро тезкор ахборот алмашишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича марказлаштирилган ягона электрон база учун дастурий таъминот пойтахтимизда ҳамда Тошкент, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида жорий қилинди. Бундан ташқари, "Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини бошқаришнинг компьютерлаштирилган тизимини яратиш" лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳанинг биринчи босқичида транспорт ҳаракати жадаллиги юқори бўлган 120 та чорраҳада компьютерлаштирилган тизим ўрнатилди. Кейинги босқичларда эса уларнинг сонини 400 тага етказиш мақсад қилинган. Шунингдек, 2011 — 2013 йилларда Ўзбекистон Республикаси транспорт коммуникацияларида автомобиллар ҳаракатини кузатиш ва назорат қилишнинг марказлаштирилган ягона ахборот-компьютер тизимини яратиш вазифаси белгиланган.

Тадбирда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенгроқ фойдаланиш, тегишли қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# МАЪМУРЧИЛИК ВА ФАЙЗУ БАРАКА МАНБАИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу жараёнда кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари қаторида "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Уюшма тасарруфидаги корхоналарнинг маҳсулот харид қилиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан 11 миллиард сўмдан зиёд сармоя ажратилди. Шунингдек, уюшма тизимидаги ҳудудий улгуржи базаларнинг 35 миллиард сўмлик маблағи ҳисобидан ҳозирга қадар жами 40 минг тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрланди. Жумладан, 8 минг тонна картошка, 11 минг тонна пиёз, 5 минг тоннадан зиёд сабзавот, 8 минг тонна мева, 9 минг тонна гуруч ва бошқа маҳсулотлар қиш ва баҳор мавсумида халқимиз дастурхонига етказилади. Ноябрь ойи охирига қадар бу кўрсаткични 55 минг тоннага етказиш режалаштирилган.

Уюшманинг 52 ҳудудий улгуржи савдо базасининг деярли барчасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш имконияти мавжуд. Мазкур омборларда тадбиркорлар ва фермерларнинг ҳам 1080 тонна маҳсулотлари шартнома асосида сақланмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг етарли захирасини яратишда, айниқса, "Марказ савдо инвест", "Шаҳрисабз озиқ-овқат моллари", "Шимбайулгуржиинвест", "Қашқадарётижоратсавдо", "Барака-Тўрткўл", "Жондорулгуржисавдоинвест" масъулияти чекланган жамиятлари ва "Сурхондарё озиқ-овқат моллари" очиқ акциядорлик жамияти жамоалари фаол иштирок этмоқда.

Уюшма таркибидаги корхоналар маҳсулотларни нафақат деҳқонлардан харид қилаётир, балки ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда, айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни ҳам йўлга қўйган. Жорий йилда истеъмол бозорини гуруч билан тўлдириш ва аҳолига арзон нархларда етказиб бериш мақсадида уюшма таркибидаги "Sholi Invest" масъулияти чекланган жамияти Сурхондарё вилоятининг Музработ туманида 2,5 минг гектар майдонда шоли етиштирди. Мева етиштиришни кўпайтириш мақсадида жорий йилнинг баҳорида Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида қарийб 150 гектар майдонда боғ яратилди.

Захира маҳсулотларини жамғариш, маҳсулотни тўғри ва сифатли сақлаш — муҳим вазифа. Тайёрлаш-сақлаш омборлари мавсумга талаб даражасида тахт қилинсагина, аҳолини кузги пишиқчилик даврига қадар сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имкони яратилади. Шу боис захира маҳсулотлари жойлаштириладиган ўндан ортиқ омбор белгиланган тартибда жиҳозланди. Жорий йилда 8 минг тонналик сиғимга эга совутқичлар қурилиб, ишга туширилди. Наманган вилоятидаги 3 минг тонналик, Фарғона вилоятидаги 1,2 минг тонналик, Қорақалпоғистон Республикасидаги 500 тонналик замонавий, жаҳон андозаларига мос совитиш омборлари шулар жумласидандир.

— Совитиш омборхоналарининг кўпайиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини янги ҳосил пишиб етилгунга қадар сифатли сақлаш имконини беради, — дейди "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси тизимидаги "Фарғона гўшт-сут савдо" очиқ акциядорлик жамияти раҳбари Дилшод Абдураҳмонов. — Фарғона шаҳрида 2,5 минг тонналик сиғимга эга совутқични модернизация қилдик. Ҳозир 450 тонна картошка, 55 тонна пиёз, 50 тонна гуруч, қарийб минг тонна мева-сабзавот жамғарилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, совитиш омборлари қуришда ишлатиладиган маҳсулотлар юртимизда тайёрланмоқда. Жумладан, уюшма тизимида ҳозирга қадар хориждан олиб келинган сендвич-панелларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жорий йилда фаолиятини бошлаган "Servis-tijorat" компанияси шу кунгача 1 миллиард 420 миллион сўмлик ана шундай маҳсулотларни тайёрлаб, шартнома асосида Наманган, Хоразм, Жиззах, Тошкент вилоятларига етказиб берди.

Қишда ҳам ёздагидек тўкинликни таъминлаш, омборлар сонини янада кўпайтириш, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда экспорт имкониятларини кенгайтириш мақсадида уюшма тизимида 14 лойиҳани амалга оширишга киришилди. Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида 2 минг тонна, Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида 3 минг тонна, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида 500 тонна мева-сабзавотни сақлашга мослаштирилган махсус замонавий омборхона ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

Буларнинг барчаси ёз нознеъматларини қишда ҳам халқимизга арзон ва сифатли тарзда етказиб бериш, дастурхонлар тўкинлигини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# НОЁБ ТАРИХИЙ МАНБА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ушбу китоб мустақиллигимиз тарихининг бутун мазмун-моҳиятини очиб беришда ғоят ноёб манба саналади, — дейди Бухоро юқори технологиялар муҳандислик институти кафедра мудири, тарих фанлари номзоди Фармон Аминов. — У мамлакатимиз истиқлолга эришиши йўлида ҳар жабҳада амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг аҳамияти ҳақидаги аниқ далил ва таҳлилларни ўзида мужассам этган. Ўз навбатида, бу китоб биз, тарғиботчилар зиммасига ҳам асар мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг ёйиш вазифасини қўймоқда. Шундан келиб чиқиб, вилоятнинг энг чекка қишлоқларида ҳам аҳоли билан учрашувлар ташкил қилиб, китоб мазмунини уларга тушунтиришга киришдик.

Тадбирда Бухоро вилояти ҳокими С. Ҳусенов иштирок этди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, СЕРЖАНТЛАР!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бўлажак ички ишлар ходимларининг маънавий етук, жисмоний бақувват ҳамда ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

— Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир, — дейди битирувчи Бобур Холов. — Бу ушбу шарафли касбни танлаган биз каби ёшларнинг зиммасига янада улкан масъулият юклайди. Мен буни доимо қалбдан ҳис этиб, элу юртимизга садоқат билан хизмат қиламан.

Шу куни мазкур академия ҳудудида фойдаланишга топширилган Криминалистика марказининг очилиши ҳам бўлиб ўтди. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва соҳа учун зарур жиҳозлар билан таъминланган ушбу марказда бўлажак ички ишлар идоралари ходимлари амалий машғулотларни ўтказиши учун ҳамма шароит яратилган.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**



Асқар ЁҚУБОВ олган сурат.

# КЎЛАМЛИ ВА ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР

## туфайли мамлакатимизда аҳоли саломатлиги муҳофазаси устувор йўналишга айланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси шифокорлар байрами сифатида кенг нишонланаётганлиги соҳа ходимларига кўрсатилаётган яна бир ғамхўрлик намунасидир. Бу йил ҳам жойларда ушбу сана муносабати билан кўплаб маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди. Жумладан, шифокорларнинг касб байрами арафасида соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ва республикамиз шифо муассасалари ўртасида республика кўрик-танлови ўтказилди. Байрам куни мазкур танлов ғолиблари махсус диплом ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Шифо масканимизда уч мингдан зиёд кишига тиббий хизмат кўрсатилади, — дейди Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги "Наврўз" қишлоқ врачлик пункти мудири Ғафур Абдураимов. — Муассасамиз барча зарур анжомлар, замонавий ташхис ускуналари ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган. Мутахассислар кенг жамоатчилик, айниқса, ёш оилалар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда фаоллик кўрсатмоқдалар. Камқонлик, юқумли ва ирсий хасталикларнинг олдини олиш борасида эришилган ижобий кўрсаткичлар ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир. Камтарона меҳнатимиз муносиб рағбатлантирилиб, шифо масканимиз танловда "Энг намунали қишлоқ врачлик пункти" деб топилди ва "Дамас" автомашинаси билан тақдирландик. Бундан бениҳоя хурсандмиз. Келгусида эл саломатлигини асраш борасида фидойилик билан меҳнат қилиб, янада катта ютуқларга эришиш ниятидамиз.

Байрам тадбирида Фарғона шаҳридаги 7-оилавий поликлиника ҳамда Наманган вилояти, Уйчи туманидаги "Бирлашган" қишлоқ врачлик пункти мудири Зулфия Мамажонова, Хоразм вилояти, Боғот тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли поликлиника патронаж ҳамшираси Шаҳноза Жумабоева "Энг намунали оилавий поликлиника", "Энг яхши умумий амалиёт шифокори", "Энг яхши патронаж ҳамшираси" номинациялари бўйича танлов ғолиби, деб эълон қилинди. Тантанали тақдирлаш маросимида эстрада хонандалари ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов иштирок этди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасидан.

# ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

## фуқаролар фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ва "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида"ги қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Соҳанинг ҳуқуқий асоси яратилганлиги ҳамда кўрилаётган бошқа чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалиб, уларнинг ноқонуний ҳолатларга нисбатан муросасизлиги тобора ошиб бораётганлиги, албатта, қувонарлидир. Бунда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, унинг вилоятлардаги ҳудудий бирлашмалари, туман ва шаҳар жамиятлари ҳамда маҳалла, корхона ва ташкилотлардаги 10 мингга яқин таянч гуруҳларининг салмоқли ҳиссаси бор. Сурхондарё вилояти ҳудудий бирлашмаси фаолияти мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

— "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга" эканлиги

**Жараён**

кўрсатиб ўтилган. Бу эса фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш ҳамда уларнинг фаоллигини оширишда қўл келмоқда, — дейди Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Сурхондарё вилояти ҳудудий бирлашмаси раиси Холмамат Аллахонов. — Жорий йилнинг ўтган 9 ойида бирлашма ҳамда унинг туман ва шаҳар бўлимларига 473 та мурожаат бўлганлиги ҳам ана шундан далолат бериб турибди. Уларда сув ва газ таъминоти, алоқа ва транспорт, савдо ва коммунал хизмат кўрсатувчи субъектлар томонидан истеъмолчилар ҳуқуқи бузилаётганлиги баён этилган. Мисол учун, Ангор туманида истиқомат қилувчи Н. Раҳмонов ўз аризасида телевизор учун сотиб олган микросхема носозлиги боис сотувчига қайтариб олиб боргани ва сотувчи микросхемани алмаштириб бериш ёки пулини қайтаришдан бош тортганини маълум қилган эди. Ҳудудий бирлашмамиз аъзолари аралашуви билан истеъмолчи ҳуқуқи тикланди, унинг пули қайтариб берилди.

Маълумки, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан келиб чиқиб, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Узун, Сариосиё ва Денов туманлари истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари томонидан илғор ва фаол таянч гуруҳлари раҳбарлари ўртасида ўтказилган "Мен ўз ҳуқуқимни биламан" кўрик-танлови шулар жумласидандир.

Қисқача айтганда, мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқлари ва уларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи тўлиқ кафолатланган. Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ҳам шунга мос равишда юксалиб бормоқда. Зеро, юксак ҳуқуқий маданият аҳоли фаоллигини оширади, пировардида кучли фуқаролик жамиятини янада ривожлантиради.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Бозорнинг ҳафта давомидаги динамикаси













**ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг**

| | | | |
|---|---|---|---|
| СУЮЛТ. ГАЗ 2548,8 ▲ +272,8 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 212,0 ▲ +25,2 | УН биринчи нав 625,5 ▼ -24,5 | ОМИХТА ЕМ 347,5 ▼ -35,2 |

## ЖАҲОН 24 соат ичида

***Жорий йилнинг июль-сентябрь ойларида Япония иқтисодиётида жонланиш кузатилди.***

### Ўсиш кузатилмоқда

Жумладан, ушбу даврда ялпи ички маҳсулот ўсиши 6 фоизни ташкил қилди. Бу натижа мамлакат учун жудаям муҳим аҳамиятга эга. Чунки баҳор фаслида рўй берган табиий офатдан сўнг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари сезиларли даражада пасайиб, иқтисодиёт ривожи анча сустлашиб қолганди.

Ўз вақтида кўрилган тезкор чора-тадбирлар туфайли мавжуд корхоналарнинг ташқи бозорга маҳсулот етказиб бериш имконияти ҳам яхшиланган. Буни ўтган давр мобайнида Япония экспорт салоҳияти 6,2 фоизга юксалгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

### Қимматга тушган хато

***Франциянинг “BNP Paribas” банки ходимлари томонидан шу йилнинг учинчи чорагида йўл қўйилган хато унинг даромадини кескин камайтириб юборди.***

Яъни молия муассасаси Греция қарзлари билан боғлиқ 2,26 миллиард ҳамда Испания ва Италияга тегишли 10 миллиард евролик қимматбаҳо қоғозларни сотиб юборган. Бунинг натижасида банкнинг даромадлари етмиш фоизга камайиб, учинчи чоракда атиги 541 миллион еврони ташкил этган.

Маълумки, юқорида қайд этилган мамлакатларда ҳозир иқтисодий танглик кузатилмоқда. “BNP Paribas” бундан катта зарар етишидан чўчиб, қимматбаҳо қоғозларни пуллаган. Бу эса ўзини оқламади. Энди молия муассасаси уч мингга яқин иш жойини қисқартириш орқали даромадини яна оширишни режалаштирмоқда.

### Тўлқин устидаги рекорд

***Гавайялик машҳур серфингчи Гаррет Макнамара 27,5 метр баландликдаги тўлқинга кўтарилиб, жаҳон рекордини ўрнатди.***

Португалиянинг порт шаҳри ҳисобланган Назаре Каньон соҳилларида қайд этилган бу натижани спортчининг ўзи ҳам кутмаганди. Унинг яқин дўсти Эла воқеани сўзлаб берар экан, Гаррет 10 қаватли бинога тенг тўлқинга тасодифан дуч келганини ва умуман мувозанатни йўқотмасдан, кўпчилик экстремалчилар орзу қиладиган маррага эришганини таъкидлади.

44 ёшли Гаррет Макнамара бир неча йиллардан бери улкан тўлқинларни излаб юриши билан машҳур. Назаре Каньон унинг севимли жойи ҳисобланади. Чунки дунёдаги энг кучли тўлқинлар кўпроқ шу ерда кузатилади.

### Мовий кўзлар қораяди

***АҚШлик олим Гретт Гомер атиги 20 сония ичида кўз рангини ўзгартирувчи янги усулни яратди.***

“Lumineyes” дея номланган ушбу кашфиёт лазер ёрдамида амалга оширилади. Бунда мижоз ўз истагидан келиб чиқиб, хоҳлаган рангни танлаши мумкин. Аммо вақти келиб, ўша ранг ёқмай қолса, кўзни бошқа тусга ўзгартиришнинг имкони бўлмайди.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

Шарҳ

***Бугун дунё оммавий ахборот воситалари еврохудудда давлат қарзлари билан боғлиқ юзага келган молиявий инқироз ва унинг асоратлари ҳақидаги хабарлар, таҳлилий чиқишларга кенг ўрин ажратмоқда. Чунки “кўҳна қитъа” ҳозир чиндан ҳам жиддий синовни бошидан кечирмоқда.***

## Жаҳон молиявий инқирози:
# БЎҲРОН ҲАЛИ ТИНГАНИ ЙЎҚ

Дастлаб Грецияда бошланган, кейинчалик Португалия, Италия, Испания ва Ирландияда кузатилган иқтисодий танглик вазиятни шу қадар мураккаблаштириб юбордики, таҳлилчиларнинг фикрича, бу қитъа пул бирлиги ва ҳатто, Европа Иттифоқи келажагини ҳам сўроқ остига қўйди. 500 миллиондан ортиқроқ аҳоли истиқомат қиладиган, жаҳон ялпи ички маҳсулотида қарийб 30 фоизлик улушга эга бўлган мазкур ҳудуд таркибидаги мамлакатлар ягона иттифоқ доирасида бирлашганда унинг аъзолари доимо бир-бирларини қўллаб-қувватлашга, умумий бозордаги барқарорликни ҳамжиҳатликда сақлашга келишиб олганди. Ана шу аҳдлашув амалда жуда кўп бор ўз ифодасини топди ҳам. Масалан, ЕИ давлатлари Грецияни дефолтдан асраб қолиш мақсадида ўтган вақт мобайнида бир неча бор учрашишди, ўзаро фикрлашишди, дастлабки молиявий ёрдамни ҳам кўрсатишди. Ушбу чора-тадбирлар хусусида батафсил тўхталишдан аввал икки оғиз дефолт ҳолатига изоҳ бериб ўтсак. Мазкур иқтисодий термин инглизча “default” сўзидан олинган бўлиб, “зиммадаги мажбуриятларни бажара олмаслик”, деган маънони англатади. Хўш, давлат миқёсида бу қандай намоён бўлади? Айтиш жоиз, бундай ҳолат мамлакат ички ва ташқи қарзларини тўлолмаслигини эълон қилганда юз беради. Агарда бирор бир мамлакатнинг дефолт ҳолатига тушгани маълум қилинса, унинг қарзлари ва шу туфайли келиб чиқадиган баҳс-мунозаралар халқаро даражада муҳокама қилиниб, масалага ечим қидирилади. Лекин бунинг салбий томони шундаки, давлатнинг обрў-эътиборига путур етади, кредиторлар, инвесторларда ишончсизлик туйғуси пайдо бўлади. Табиийки, халқаро рейтинг агентликлари рейтинг кўрсаткичларини пасайтиради. Фонд бозорида, банкларда шу орқали саросима бошланади. Хуллас, дард устига чипқон. Агар яқин ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, дефолт ҳолатини 1994 йилда Мексика, 2001 йилда Аргентина, 2003 йилда эса Уругвай бошидан ўтказган эди.

Европада давлат қарзлари билан боғлиқ молиявий инқирознинг келиб чиқиши борасидаги қарашлар турлича. Айрим экспертлар бу ҳолат 2009 йилда бошланган дейишса, баъзилари бу 2008 йилдаги ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган таназзул таъсири, деган фикрларни илгари суришмоқда. Ёдингизда бўлса, ўшанда биржаларда акциялар баҳоси кескин тушиб кетган, дунё фонд бозорларида пасайишлар кузатилганди. Мазкур жараён кўп ўтмай ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиб, глобал аҳамият касб этди. Лекин еврохududдаги муаммо у билан боғлиқ эмас, дегувчилар ҳам кўп. Масалан, қатор давлатларнинг ўз иқтисодиётига, хусусан, банк соҳасига улкан маблағларни йўналтиргани, молия муассасаларининг палапартиш фаолият юритгани, қарзларнинг вақтида қайтарилишига эришилмагани охир-оқибат бюджет тақчиллиги ва давлат қарзларини келтириб



чиқарди. Бундай фикрлар шу каби асослар билан изоҳланмоқда.

Аслида, Европада инқироз шамоли бундан икки йил аввал эса бошлаганди, дейиш ҳақиқатга яқинроқ. Гап шундаки, 2009 йилнинг декабрь ойида “Мудис” халқаро рейтинг агентлиги Греция кредит рейтингини A1 дан A2 га, “Фитч Рейтингс” ҳамда “Стандард энд Пурс” агентликлари эса BBB+ гача пасайтирди. Орадан бир оз вақт ўтиб, яъни ўтган йилнинг январь ойида Ирландия, Португалия ва Испанияда ҳам муаммолар кўзга ташланди. Рейтинг агентликлари ушбу мамлакатларнинг ҳам рейтинг даражаларини бир неча марта ўзгартирди. Вазият мураккаблашиб бораётгани сабабли “кўҳна қитъа” давлатлари етакчилари ўзаро маслаҳатлашиб, Европа молиявий барқарорлаштириш жамғармаси(EFSF)ни тузишга қарор қилишди. Дастлаб унинг ҳажми 440 миллиард евро қилиб белгиланди. Кейинроқ эса жамғарма миқдорини янада ошириш бўйича таклифлар илгари сурилди. Чунки агарда йирик давлатлар дефолт ҳолатига тушиб қолгудек бўлса, бу маблағ уларга молиявий кўмак беришга камлик қиларди. Лекин у дарров қабул қилинадиган таклиф эмасди. Шу боис ЕИ давлатлари мазкур масалани ҳам бир неча ой муҳокама қилишди, атрофлича мулоҳаза юритиб кўришди.

Молиявий мададга кўпроқ Греция муҳтож эди. Шу боис Европа Иттифоқи ва Халқаро валюта жамғармаси Болқон яриморолида жойлашган ушбу давлатга дастлаб 110 миллиард евро миқдорида кредит ажратди. Шу тариқа Греция еврохудуд таркибидаги қарз олган биринчи давлатга айланди. Бунинг эвазига унга “қаттиққўл иқтисодий тадбирлар дастури”ни сўзсиз бажариш вазифаси юкланди. Унда солиқларни ошириш, давлат тизимида меҳнат қилаётган ва пенсионерларга байрамлар муносабати билан бериладиган ёрдам пуллари миқдорини қисқартириш, аёлларнинг пенсияга чиқиш ёшини узайтириш каби мақсадлар назарда тутилганди. Мазкур тадбирлар келгуси уч йил ичида давлат бюджети тақчиллигини, бир оз бўлса-да, қисқартириши керак эди. Аммо у кутилган самарани бермади. Унинг қарзлари бугунга келиб 350 миллиард еврони ташкил этмоқда. Европада инқироз зарбидан жиддий азият чекаётганлар қаторига, шунингдек, Ирландия ва Португалияни киритиш мумкин. Италия ва Испаниядаги аҳвол ҳам мураккаблигича қолмоқда. Масалан, Испанияда ишсизлик даражаси сўнгги ўн беш йил давомидаги энг юқори кўрсаткичга етган. 2011 йилнинг учинчи чораги якунлари бўйича мамлакатда бу борадаги аҳвол 21,52 фоизни ташкил этаётир.

Европа Иттифоқи таназзулдан қутулиш учун тезроқ бирор ечим топиши керак эди. Шу боис унга аъзо давлатлар жорий йилнинг октябрь ойи охирида Брюсселда йиғилишди. Ўн соатдан ортиқроқ вақт давом этган саммит якунида инқироздан чиқишга қаратилган янги режа маъқулланди. Келишувга кўра, хусусий инвесторлар Греция қарзларининг ярмидан воз кечадиган бўлди. Бу Болқон яриморолидаги мамлакат қарзларини 2020 йилга қадар ЯИМга нисбатан 160 дан 120 фоизгача тушириш имконини бериши лозим. Бундан ташқари, Европа Иттифоқи ва Халқаро валюта жамғармаси Грецияга навбатдаги молиявий ёрдамни кўрсатади.

Брюсселда қабул қилинган режада, шунингдек, 2012 йилнинг июнь ойигача Европа банклари капиталини тўққиз фоизга ошириш ва шу йўл билан мазкур тизим барқарорлигини мустаҳкамлаш назарда тутилган. ЕИга аъзо давлат раҳбарлари Европа молиявий барқарорлаштириш жамғармаси ҳажмини 1 триллион еврога етказиш масаласини ҳам маъқуллашди. Чунки жамғарма мададига ҳозир фақат Греция эмас, балки Италия, Испания, Португалия ва Ирландия ҳам муҳтож. Маблағни қайси манба ҳисобидан ошириш аниқ кўрсатилмаган. Лекин бу “кўҳна қитъа” вакилларининг ҳамёнидан бўлмаслиги ҳақиқатга яқинроқ. Чунки ушбу масала бўйича оммавий ахборот воситаларида тарқатилган хабарларда Европага бошқа қитъадан инвесторлар жалб этиш ҳақида сўз юритилмоқда. Ана шундай ёрдамга тайёр турган давлатлар орасида Хитой алоҳида келтириб ўтилмоқда.

Франция президентининг маҳаллий телеканалларига берган интервьюси чоғида “кўҳна қитъа”даги бугунги аҳвол хусусида тўхталиб, “Грецияни Европа Иттифоқига қабул қилиш хато бўлган” деган фикри, табиийки, грецияликларни қаттиқ ранжитди. Греция ташқи ишлар вазири бунга ўз муносабатини билдирар экан, “ҳозирги шароитда фақат битта давлатни айбдор қилиш мантиққа зид. Чунки давлат қарзлари билан боғлиқ муаммо Италия, Испания, Ирландия ва Португалияда ҳам мавжуд. Шундай экан, буни “умумевропа муаммоси” дейиш тўғрироқ бўларди”, деган фикрни олға сурди. Хуллас, шундай баҳс-тортишувлар ҳам учраб турибди. Лекин бу Европа Иттифоқи аъзолари бир-бирларига ёрдам беришдан қочишаяпти, деган хулосани келтириб чиқармайди.

Ноябрь ойи бошида Франциянинг Канн шаҳрида “Катта йигирмалик”ка аъзо давлатлар раҳбарлари иштирокида ўтказилган саммитда ҳам асосий эътибор ЕИ ҳудудидаги молиявий бўҳронга қаратилди. Икки кунлик анжуманда жаҳон иқтисодиётидаги оқсашнинг олдини олиш учун кенг кўламли иш режасини ишлаб чиқиш йўллари, халқаро молиявий тизимда амалга ошириладиган ислоҳотлар атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси учун қўшимча маблағ йўналтириб, унинг молиявий-иқтисодий инқирозга қарши курашишдаги имкониятларини кучайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. ХВЖга жалб қилинадиган маблағнинг аниқ миқдори қанча бўлиши келгуси йилда ойдинлашади.

Бугун ривожланган давлатларда давом этаётган мана шундай мураккаб шароитни кузата туриб, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётни барқарорлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича танланган ва жаҳонда “ўзбек модели” деб ном олган миллий тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри эканига яна бир карра иқрор бўласан, киши. Буни жорий йилнинг тўққиз ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳам тасдиқлаб турибди. Жумладан, ўтган муддат давомида ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,2 фоизни ташкил қилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 6,8 фоиз, инвестициялар ҳажмини 8 фоиз, қурилиш ишларини 8,1 фоиз, чакана савдо айланмасини 16,2 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишни 14,2 фоизга ошириш ҳисобидан иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари таъминланди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз профицит билан бажарилди. Хориж мамлакатларида ишсизлик муаммоси “бош оғриғи” бўлиб турган бир пайтда, юртимизда жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 815,4 мингта иш ўрни яратилгани, уларнинг 512,4 мингтаси қишлоқ жойларига тўғри келгани янада эътиборлидир. Бундай рақамларни истаганча келтириш мумкин. Лекин гап фақат рақамларда эмас. Асосийси, одамларимиз даромади муттасил ошиб, турмуш даражаси тобора юксалиб бораётир. Булар узоқни кўзлаб, ҳар томонлама пухта ва мукаммал ишлаб чиқилган дастурлар, қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси билан боғлиқ, албатта. Зеро, мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида инсон қадр-қиммати, манфаатларини улуғлаш, юртни янада обод қилишдек эзгу мақсадлар мужассам.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

# ИЗЛАНИШ – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

***Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимиз жадал ривожланмоқда. Бунга бозорларни айланган киши яна бир карра ишонч ҳосил қилади. Негаки, илгари чет давлатлардан олиб келинган маҳсулотларнинг аксарияти бугунги кунда юртимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан таклиф этилаяпти. Бу жойларда тадбиркорлик учун қулай муҳит яратилгани, кўплаб замонавий корхоналар ташкил этилиб, улар энг сўнгги русумдаги технологик линиялар билан жиҳозлантирилаётгани шарофатидир.***

Маҳаллийлаштириш

Ишлаб чиқариш субъектларида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштиришда, айтиш мумкинки, Маҳаллийлаштириш дастури муҳим аҳамият касб этаяпти. Бунга “AGRI PARTS OSIYO” масъулияти чекланган жамияти фаолиятидаги ўзгаришлар яққол мисол бўла олади. Гап шундаки, бу ерда мазкур дастур доирасида қишлоқ хўжалиги техникалари учун эҳтиёт қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Бундай маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам тобора харидоргир бўлиб бораяпти. Ўтган қисқа вақт ичида АҚШнинг “Worthington Ag parts” ва “A&I products”, Италиянинг “Agri Parts s.r.l.” ва “Barani and figli”, Грециянинг “Agromart”, Словениянинг “Iskra”, Канаданинг “Lowen”, Финляндиянинг “Sampo Rosenlew” каби компаниялари билан импорт ва экспорт шартномалари имзолангани, кўплаб хорижий компанияларнинг Ўзбекистондаги ваколатли дистрибьюторларидан бирига айлангани бунинг яққол далилидир.

— Хорижий ҳамкорлар топиш ва улар билан тенг манфаатли келишувларга эришишимизда халқаро кўргазмаларнинг аҳамияти катта бўлаяпти, — дейди “AGRI PARTS OSIYO” МЧЖ директори Аҳмад Гадаев. — Юртимиз ва чет давлатларда ўтказилаётган бундай тадбирларда ўз маҳсулотларимиз билан мунтазам иштирок этаяпмиз. Соҳа мутахассислари маҳсулотларимизга юқори баҳо бераётгани бизни қувонтириб, янада самарали ишлашга руҳлантираётир. Яқинда Германияда бўладиган кўргазмага ҳам таклиф этилганмиз. Биз мазкур халқаро тадбирда маҳсулотларимизни намойиш қилиш билан бирга, ўзаро тажриба алмашиш, Германиянинг шу соҳадаги технологиясини ўрганиш ниятидамиз.

Бугунги кунда корхона жамоаси томонидан “Case”, “Claas”, “New Holland”, “Sampo” ва “Messey Ferguson” компанияларининг қишлоқ хўжалиги техникалари учун эҳтиёт қисмлар етказиб берилаяпти. Тез орада маҳсулотлар тури янада кўпаяди. Чунки қўшимча цех очиш ҳаракатлари бошлаб юборилган. Унда қишлоқ хўжалиги техникаларига зарур бўлган трубокомпрессор, шатун, роликлар учун боғич, генератор ва импорт ўрнини босувчи янги деталлар тайёрлаш кўзда тутилган. Муҳими, яна ўн бешта иш ўрни яратилади.

Жамиятнинг Қарши шаҳридаги филиали ҳам самарали фаолият кўрсатаяпти. Яқин келажакда бундай филиалларни мамлакатимизнинг барча вилоятларида ташкил этиш режалаштирилгани эътиборга молик.

Мухтасар қилиб айтганда, Маҳаллийлаштириш дастурининг изчил ижроси “AGRI PARTS OSIYO” корхонаси фаолиятини ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда кенг имкониятлар яратмоқда. Зотан, изланиш муваффақиятлар омилидир.

**Маъсуда ЁҚУБОВА.**

• Реклама ва эълонлар •










Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши Кенгаш аъзоси, Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Мамазоир Хўжамбердиевга акаси

**Абдупатто ХЎЖАМБЕРДИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.




САНОАТ МОЙИ И-20А 2237,7 ▲ +897,2




МОТОР МОЙИ М14 В2 1438,1 ▲ +9,9




БЕНЗИН АИ-80 2341,6 ▼ -414,5




ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ 2728,4 ▼ -611,6

**Мамлакатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарорида эртамиз эгаларининг миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг юксак намуналаридан кенгроқ баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бу мақсад йўлида, аввало, бошланғич мусиқий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш вазифалари белгилаб берилган.**



# САНЪАТ ЖОЗИБАСИ

Дарҳақиқат, баркамол авлодни вояга етказиш, ўқувчилар маънавияти, бадиий дидини юксалтиришда мусиқанинг ўрни беқиёс. Шу сабабдан ҳам жойларда болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Бугун Тошкент вилоятида 35 та махсус болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолият юритмоқда. Уларда 13 та йўналиш бўйича таҳсил олаётган 5700 дан ортиқ ўқувчига 797 нафар тажрибали устоз ва педагог сабоқ бермоқда. Қувонарли жиҳати, мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги турли мусиқа фестиваллари, кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, ғолиб ва совриндор бўлаётган иқтидорли ёшлар орасида пойтахт вилояти вакиллари ҳам оз эмас. Ўтган йили Урганч шаҳрида бўлиб ўтган болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасидаги академик чолғулар ва эстрада ижрочилиги республика кўрик-танловида Тошкент вилоятидан қатнашган 18 нафар ўқувчининг барчаси фахрли ўринларни қўлга киритган бўлса, Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод шаҳарлари, Қибрай, Ўрта Чирчиқ, Бўстонлиқ туманларида камол топаётган 30 га яқин ёш мусиқачилар тенгдошлари ўртасидаги “Болалик баҳори”, “Санъат ғунчалари”, “Янги авлод” фестивалларида қатнашиб, юқори ўринларни эгаллашди. Кейинги 7 йилда дастлабки мусиқий таълимни вилоятнинг шу йўналишдаги билим даргоҳларида олган беш нафар иқтидор эгаси Президентимиз томонидан ёш истеъдодлар учун таъсис этилган “Ниҳол” мукофоти совриндори бўлганлиги, икки нафари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист унвонига лойиқ кўрилгани қувонарлидир.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили Зангиота тумани ҳамда Янгийўл ва Бекобод шаҳарларидаги 3 та болалар мусиқа ва санъат мактаби капитал реконструкция қилинди. Бу йил дастурга мувофиқ, вилоятдаги яна 5 та болалар мусиқа ва санъат мактаби мукаммал таъмирдан чиқарилди.

Хусусан, Бекобод шаҳридаги

**Қарор ва ижро**

11-мусиқа ва санъат мактаби ҳам ана шу ғамхўрлик ва эътибор туфайли янгича қиёфа касб этди. Бу ерда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 823 миллион сўмлик маблағи ҳисобидан кенг кўламда қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, ўқувчилар учун 150 ўринли концерт зали ва компьютерлаштирилган овоз ёзиш студияси барпо этилди.

Дарвоқе, муассаса янгича шароитларда иш бошлагач, бу ерда машғулотлар такомиллаштирилган ўқув дастури асосида ўтилаётир. Болаларнинг мустаҳкам ва пухта билим олиши учун қўшимча дарс соатлари ажратилди. 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар таҳсил олаётган мактабда мусиқа назарияси, фортепьяно, скрипка, ўзбек халқ чолғу асбоблари, тасвирий санъат, хореография, халқ амалий санъати, зардўзлик, ҳайкалтарошлик каби қатор бўлимлар фаолият кўрсатаётир. Бундан ташқари, муассаса раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан устоз санъаткорлар, мусиқа илми билимдонлари, таниқли бастакорлар тез-тез ўқувчилар ҳузурига келишиб, ёшларнинг билим ва тасаввурларини янада бойитмоқдалар. Табиийки, бундай самимий учрашувларга жонли ижродаги мумтоз куй-қўшиқлар янада файз бағишламоқда.

— Мактабимиз янгича қиёфа касб этиб, моддий-техника базаси мустаҳкамлангач, ўқувчиларимиз қобилиятларини ёркинроқ намойиш этишлари учун чинакам имконият яратилди, — дейди мактаб директори Рўзивой Сангинов. — Буни ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштиришида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаётганида ҳам кўриш мумкин. Муҳими, улар юксак эътибор туфайли санъатнинг қудратли кучини, дилларни дилларга пайваста этувчи мафтункор жозибасини теранроқ англаб етмоқдалар. Бундай ғамхўрлик ўқувчиларимиз орасидан санъатимиз довруғини кўкларга кўтарувчи кўплаб истеъдод эгалари етишиб чиқишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

# «ПАХТАКОР» — ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ СОҲИБИ

**13 ноябрь куни “Пахтакор” марказий стадионида футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг финал учрашуви бўлиб ўтди. Унда Тошкентнинг “Пахтакор” ва Қаршининг “Насаф” клублари бош соврин учун майдонга тушди.**

**Футбол**

Учрашувни фаол бошлаган пойтахтлик футболчилар бешинчи дақиқадаёқ ҳисобни очишга муваффақ бўлдилар. Ярим ҳимоячи Дилшод Шарофетдинов томонидан узатиб берилган тўпни грузиялик ҳужумчи Ираклий Климиашвили голга айлантирди. Шундан сўнг қаршиликлар ҳам бир оз жонлангандек бўлишди. Аммо уларнинг ҳужумлари кутилган самарани бермади. Аксинча, тошкентликлар бу орада ўртадаги фарқни яна биттага оширишнинг уддасидан чиқдилар. Ўйиннинг 29-дақиқасида Шерзод Каримов тепган жарима тўпини Александр Клецков боши билан дарвозага йўллаб, ҳисобни 2:0 га етказди.

Иккинчи бўлим бошларида қаршиликлар ташаббусни ўз қўлларига олиб, бир қанча ҳужумлар ташкил этишди. Лекин улар сафида якуний зарбани берадиган ўйинчи топилмади. 83-дақиқада эса “Пахтакор” аъзоси Ираклий Климиашвили яна ўзини кўрсатиб, гол муаллифига айланди — 3:0. Бу натижа ғолиб номини деярли аниқ қилиб қўйди. Учрашувга қўшиб берилган дақиқаларда Иван Бошковичга нисбатан ишлатилган қўполлик учун “Пахтакор” дарвозаси томон ўн бир метрлик жарима зарбаси белгиланди. Уни Жаҳонгир Жиямуродов бехато амалга оширди ва “Насаф”ни йирик ҳисобдаги мағлубиятдан қутқариб қолди — 3:1.

Шу тариқа “Пахтакор” ўз фаолияти давомида ўн биринчи бор мамлакат кубоги соҳибига айланди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

**Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда сайёрамизда қандли диабет хасталигига чалинганлар 280 миллион нафардан зиёд экан. Шу боис ҳам ушбу касалликнинг олдини олиш масаласи бугун дунё олимларининг диққат-эътиборида турибди.**

# ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОР УЙҒУНЛИГИ

Мамлакатимизда ҳам қандли диабет хасталигининг келиб чиқишига йўл қўймаслик, касалликка чалинган беморларга ўз вақтида амалий ёрдам бериш нафақат тиббиёт ходимларининг, балки жамоатчиликнинг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Ушбу жараёнларда эса давлат ташкилотлари билан бир қаторда, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Бизнинг “Umid” хайрия-жамоатчилик бирлашмамизда ҳам бу борада аниқ чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Хусусан, бирлашма томонидан мазкур хасталикка чалинган беморларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, замонавий самарали даво услубларидан фойдаланган ҳолда даволаш ишларига асосий эътибор қаратилаётир. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, касалликка қарши курашиш қоидаларига қатъий амал қилиниб, қондаги қанд миқдори мунтазам назорат этиб борилса, беморда узоқ ва оғир асоратларсиз ҳаёт кечириш имконияти туғилади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2006 йил декабрь ойида бўлиб ўтган 61-сессиясида қандли диабет хасталиги умумдавлат муаммоси деб тан олинди. Айни пайтда мамлакатимизда ноябрь ойи қандли диабетга қарши кураш ойлиги деб белгиланиб, жойларда турли тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Бундан бир неча йил муқаддам Ўзбекистон Эндокринологлари ассоциацияси эътиборан, Жаҳон Диабет жамғармаси (WDF) гранти асосида беморларнинг таянч ҳаракат тизими аъзоларини парваришлаш, оёқ тўпиғи ампутациясининг олдини олишга қаратилган лойиҳа бўйича амалий ишлар бошланди. Бу борада жойларда “Диабет тўпиғи” деб номланган хоналар очилиб, беморларга ихтисослаштирилган даволаш-профилактика ёрдамларини кўрсатиш йўлга қўйилган. Мазкур лойиҳа Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академияси, шунингдек, жойлардаги эндокринология диспансерлари ҳамкорлигида амалга оширилиши кўзда тутилган.

Яқинда ушбу лойиҳа доирасида юртимиз ва хорижнинг етакчи мутахассислари иштирокида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда бевосита беморлар билан ишловчи 500 нафарга яқин шифокор ва ҳамширалар учун махсус семинарлар ташкил этилди. Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур хасталикка чалинган 663 нафар ижтимоий ёрдамга муҳтож бемор аёл тўлиқ скрининг текширувидан ўтказилди ва зарур ёрдам кўрсатилди. Галдаги вазифа диабет ойлиги давомида маҳаллаларда диабет хасталиги ва унинг хавфи, касалликка эрта ташхис қўйиш, асоратларнинг олдини олиш хусусида янада кўпроқ маълумот беришдан иборат.

Жаҳон Диабет жамғармаси (WDF)нинг республикада диабетик хизматни яхшилашга қаратилган “Диабет — Ўзбекистонда” номли грантини қўлга киритди. Ушбу маблағ ҳисобидан мамлакатимизнинг барча минтақаларидаги диспансерларда 13 та “Диабет мактаби” ташкил этилиб, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Эндиликда ушбу мактабларда малакали мутахассисларнинг чиқишлари, кенг жамоатчилик вакиллари билан суҳбат ва мулоқотлар ташкил этилмоқда.

**Тиббиёт**

Бизнинг ташкилотимиз ҳам мазкур хайрли ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаяпти. Хусусан, яқинда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон Диабет жамғармаси (WDF) кўмагида қандли диабет билан оғриган беморлар орасида ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтириш, кўзи ожизликнинг олдини олишга қаратилган махсус лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Лойиҳа доирасида эндокринология диспансерлари қошида ихтисослаштирилган офтальмология хоналари очилиб, беморларга юксак сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Шунингдек, жорий йилдан

Зеро, доно халқимиз дардни даволагандан кўра, унинг олдини олган маъқул, дейди. Ушбу ҳаётий наклга амал қилган ҳолда саломатлигимизга эътиборли бўлиш ҳар қандай хавфли хасталикка қарши қўйилган мустаҳкам тўсиқдир.

**Нилуфар ИБРАГИМОВА,**
**Қандли диабет бўйича Тошкент шаҳар «Umid» хайрия-жамоатчилик бирлашмаси раисининг ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди.**

# ҒУРУР ВА ИФТИХОР ИФОДАСИ

***Бугун мамлакатимизда биз, ёшлар учун яратилаётган имкониятлар, эътибору рағбатнинг қиёси йўқ. Ўқиш, ҳунар эгаллаш, тил ўрганиш, тадбиркорлик қилиш... Буларнинг барчаси улкан имтиёздир. Устозларимиз илгари хориж у ёқда турсин, мамлакатимиз пойтахтида ҳам шахсий кўргазма ташкил этиш амримаҳол бўлганлигини бот-бот эслашади. Энди эса вазият тамоман бошқача.***

Масалан, мен ўз машқларим билан Испания, Франция, АҚШ, Буюк Британия сингари дунёнинг ўндан зиёд мамлакатларида ташкил этилган танлов ва фестивалларда қатнашдим. Лондондаги “Хумай”, Париждаги “Артитюд” галереяларида ташкил қилинган кўргазмаларда иштирок этишим эса жаҳон тасвирий санъати янгиликлари билан яқиндан танишиш, ўз устимда янада кўпроқ ишлаш, ижодимга янгича йўналишлар киритиш имконини берди.

Маълумки, халқаро миқёсдаги бундай тадбирлар ёшлар учун маҳорат мактаби ҳисобланади. Яқиндагина «Art Week Style.Uz — 2011» санъат ҳафталиги доирасида бўлиб ўтган Тош-

**Фахр**

кент Халқаро замонавий санъат биенналесида ҳам ўнлаб истеъдодлар кашф этилдики, улар қўлга киритаётган муваффақиятлардан ҳар қанча фахрлансак, арзийди. Айниқса, дунёга машҳур ижодкорлар Александр Клерисс, Кристиан Рупп, Мақсуд Фатхуллин иштирокидаги маҳорат сабоқлари, учрашув ва давра суҳбатлари ёшларимизда жаҳон тасвирий санъати янгиликлари билан танишиш имконини берди. Ўз навбатида, улар ҳам мамлакатимизда ёш истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигидан ҳайратланишди.

Истиқлолнинг бахтли фарзандлари сафида эканлигимдан кўксим ғурурга тўлади. Зеро, тенгдошларим барча жабҳада фаол: спорт, илм-фан, маданият ва санъат соҳаларида ўз қобилиятларини намоён этмоқда. Жаҳон ареналарида юртимиз байроғини баланд кўтариб, мадҳиямизни баралла куйламоқда. Шунинг ўзиёқ мустақил юрт фарзанди сифатида бизнинг бахту иқболимиз эмасми?!

**Бобур ИСМОИЛОВ,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси.**


«Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборотномаси»га 2012 йил учун
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.



Ахборотнома саҳифаларида:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари;
- хўжалик ишлари бўйича суд амалиёти тафсилотлари;
- чет эл арбитраж ва хўжалик судлари тажрибаси;
- қонунчиликни амалиётда қўллашга оид етук ҳуқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари ёритилиб борилади.

Ахборотномага таҳририят орқали арзонлаштирилган нархда тўғридан-тўғри 908 ва 909 индекслари орқали обуна бўлишингиз мумкин.

Шунингдек, 908 ва 909 индекслари бўйича обуна «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида ҳамда «Тошкент почтамти» орқали ҳам амалга оширилмоқда.

Манзил: 100097, Тошкент ш., Чўпонота к., 6-уй.
ТЕЛЕФОНЛАР: (8–371) 277–91–66, 277–96–60, 277–25–94.
1495R/1260


# ОБ-ҲАВО (15 ноябрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ ўртасида, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ ўртасида, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат кечаси 0-2 даража совуқ, кундузи 2-4 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


● Реклама ва эълонлар ●

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Хоразм вилояти филиали
нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**2011 йил 20 декабрь куни соат 10.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

Хоразм вилояти Хўжалик судининг 2011 йил 26 апрелдаги 22-1102/2120-сонли ижро варақасига асосан, Қўшкўпир тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Дўстлик йўли» хусусий савдо ва ишлаб чиқариш фирмасига қарашли бўлган, Қўшкўпир тумани, Қатоғон қишлоғи, Араблар маҳалласида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 2270,99 кв.м.ни ташкил қилган маъмурий бино, 1, 2, 3, 4, 5-сонли омборхоналар, қоровулхона ва боғдевор.
***Бошланғич баҳоси — 146 500 000 сўм.***

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг Хоразм вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609036, АТИБ «Ипотека-банк»и «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, СТИР: 207122519.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-362) 226-43-64. Факс: (8-362) 226-32-63.
1538R/773
*Лицензия: RR-0001.*

Standard Insurance
Лицензия СФ № 00154 26.05.2011 йил

Корхона раҳбарлари ва бош ҳисобчилари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелдаги
**«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»**ги
Қонунининг ижросини таъминлаш мақсадида «Standard Insurance» МЧЖ томонидан корхоналар/иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси амалга оширилмоқда.

Суғурта агентларини суғурта шартномаларини тузиш учун ўзаро ҳамкорликка таклиф этамиз.

***«Standard Insurance» МЧЖ Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари марказларида ўз минтақавий филиалларига эга.***
1414R/1224

**Манзил: Тошкент ш., Т. Шевченко к., 31-уй.**
**Телефонлар: (+998 71) 281-55-26 (71), 281-56-03 (18), (+998 97) 785-99-33, 483-99-33. Факс: 281-55-27.**





КЎМИР (БПК) 40,3 ▲ +1,0




ШИФЕР (1 лист) 15443 ▲ +378




ПАХТА ЁҒИ 1914,0 ▼ -18,4


Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

БАРЧА ТОВАРЛАР ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА КОТИРОВКАЛАР WWW.UZEX.COM САЙТИДА


Нархларнинг белгилари: ▲ + кўтарилган, ▼ - пасайган, сўм/кг

Тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун ҳафта давомидаги ўртача нархлар UZEX.COM ЎзРТХБ сайтида


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 48826 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.45 Топширилди — 23.20
1 2 3 4 5